

ЭКОЛОГИЯ ҲИСОБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7825326>

Маллаева Мавжудахон Бахрамовна

*Самарқанд давлат тиббиёт университети Умумий гигиена
ва экология кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: *Мақолада экология ҳисобини зарурлиги, моҳияти ва аҳамияти тадқиқ этилган. Шунингдек, методи, предмети ва объектлари ўрганилган. Экология ҳисобига оид иқтисодчи олимларнинг таърифлари таҳлили асосида муаллифлик ёндашуви шакллантирилган.*

Калит сўзлар: *табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитга таъсир, экологик фаолият, экологик мажбурият, экологик компонентлар, табиий ресурслар, экологик харажатлар, экологик потенциал.*

Аннотация: *В статье рассматриваются необходимость, сущность и значение экологического учета. Также были изучены метод, предмет и объекты. На основе анализа определений ученых-экономистов по экологическому учету сформулирован авторский подход.*

Ключевые слова: *охрана природы, воздействие на окружающую среду, экологическая деятельность, экологическая приверженность, экологические компоненты, природные ресурсы, экологические издержки, экологический потенциал.*

КИРИШ. Бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнида экологияга оид маълумотларнинг аҳамиятини ортиб бориши, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш зарурати экология ҳисобининг пайдо бўлишига олиб келди.

Ундан ташқари, экология ҳисобининг пайдо бўлиши ва ривожланишига манфаатдор шахслар ўртасида хўжалик юритувчи субъектларнинг экологик фаолияти оқибатлари борасида хавотир ва ташвишларни пайдо бўлиши натижасида экологияга оид маълумотларнинг шакллантириш заруратини пайдо бўлиши ҳам туртки бўлди.

Ҳозирги кунда ушбу ҳисоб маълумотларидан экология билан боғлиқ харажатлар, мажбуриятлар ва экологик фаолиятнинг оқибатлари, компаниянинг қийматини ҳаққоний баҳолаш шунингдек, инвестицион жозибадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этадиган хўжалик юритувчи субъектлар, биринчи навбатда йирик саноат корхоналари фойдаланмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг ушбу турига оид ташкилий-услубий қоидалар ҳали етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги сабабли кўплаб йирик корхоналар экология ҳисобини ташкил этиш ва юритишда муаммоларга дуч келмоқда. Бундан ташқари, экология ҳисобини таърифи ҳалигача шакллантирилмаган, унинг объектларига оид ягона қарашлар мавжуд эмас ва ҳисоб турлари тизимида экология ҳисобининг ўрни

бўйича иқтисодчи-олимлар аниқ позицияга эга эмас. Бунинг сабаби аввало, хорижий ва маҳаллий фан ҳамда амалиётда экология ҳисобининг таърифини шакллантиришга имкон берадиган муҳим хусусиятлари бўйича ягона ёндашувга келинмаганлигидир.

Экология ҳисоби тизими корхонадаги табиатни муҳофаза қилиш фаолияти, шунингдек, унинг атроф-муҳитга таъсирининг турли шакллари тўғрисида тўлиқ ва ҳаққоний маълумотларга эга бўлиш имконини беради. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларнинг табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлмаслик табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда муаммолар туғдиради.

Экология ҳисобини юритиш учун табиатни муҳофаза қилиш фаолияти харажатларини шакллантириш методикаси яратилиши керак. Мазкур методика тўлиқ ахборот базаси ва атроф-муҳит ҳолатига боғлиқ бўлади. Ундан ташқари, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига доир харажатларни илмий асосланган ҳолда гуруҳлаш зарур.

Экология ҳисоби методикасини ишлаб чиқишнинг мураккаблигига сабаб бу масалага оид услубий ишланмаларни йўқлиги ҳамда экологик компонентларнинг ўзгариш ҳолати ва динамикасини ҳисобга олувчи бир қатор кўрсаткичларни аниқлашнинг мураккаблигидир. Шунинг учун табиий тизимларга юкломанинг норма-белгилувчи кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва экологик зарарни қоплаш бўйича экологик харажатлар миқдори ҳамда бошқа экологик меъёрларни аниқлаш зарур.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.

Хорижий иқтисодий адабиётларда экология ҳисобига ички бошқарув ва молиявий ҳисоб (ташқи ҳисобот мақсадлари учун юритиладиган) ҳамда хўжалик фаолиятининг харажатлари ва натижалари таҳлили методларининг мажмуи сифатида қаралади.

Россиялик иқтисодчи олимлар ўртасида ҳам экология ҳисоби тушунчаси бўйича ягона нуқтаи назар шаклланмаган. К. С. Саенко экология ҳисобини хўжалик юритувчи субъектларнинг табиий ресурслари, экологик мажбуриятлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолияти билан боғлиқ хўжалик операциялари ҳақида натура ва қиймат ўлчовида оммавий ва узлуксиз ҳужжатли ҳисобни ташкил этиш орқали маълумотлар тўплаш, рўйхатга олиш ва умумлаштириш учун мўлжалланган тизим сифатида белгилайди [4].

В. Е. Ильичева экология ҳисобини бухгалтерия ҳисобини экологик харажатлар ва мажбуриятларни аниқлаш, баҳолаш, режалаштириш, прогнозлаштириш, назорат ва таҳлил қилиш имконини берадиган маълумотларни қайд этиш ҳамда умумлаштириш учун мўлжалланган тизим кўринишидаги сегментар соҳаси сифатида белгилайди [2].

Л. В. Чхутиашвили экология ҳисобини бухгалтерия ҳисоби тизимида бизнесни бошқариш, товар ва хизматлар бозорида оптимал экологик ҳамда иқтисодий мавқега эришиш учун корхоналарнинг экологик харажатлари ва мажбуриятлари, шунингдек ижтимоий-экологик, иқтисодий натижаларини қайд этиш жараёни сифатида тасвирлаган [5].

Н. Н. Рубановани “Курилиш материаллари саноатида экология ҳисоби” (Орёл, 2005) номли тадқиқотида келтирилган фикрига кўра, экология бухгалтерия ҳисоби – бу корхонани экологик потенциални аниқлаш ва бошқариш мақсадида табиатни муҳофаза қилиш харажатлари, табиий ресурслар, экологик фондлар, мажбуриятлар ва резервлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижалари ҳақидаги маълумотларни тўплаш, рўйхатга олиш, умумлаштириш ва қайд этиш жараёнидир.

1992 йилда Бирлашган Миллатлар ташкилотининг атроф-муҳит ва тараққиёт бўйича конференцияси (Рио-де-Жанейродаги юқори даражадаги “Планета Ер” учрашуви)да экология ҳисоби концепцияси барқарор ривожланиш соҳасида изчил сиёсат юритиш сифатида таклиф этилди [3]. Европа Кенгаши Парламент ассамблеясининг 2004 йилдаги 1653-сонли “Экология ҳисоби барқарор ривожланиш воситаси сифатида”ги тавсияномасида экология ҳисоби атроф-муҳит ҳолати ҳақида натурал ва иқтисодий кўрсаткичларда маълумотлар ҳамда ахборотларни аниқлаш, қайд этиш, тартибга солиш ва тақдим этиш учун фойдаланиш мумкин бўлган тизим сифатида тақдим этилган.

Л. П. Лазарева экология ҳисоби тушунчасида одатда табиий ресурсларни ҳисобга олиш билан чамбарчас боғлиқликда қараладиган ахборот функцияси ва экологик бошқарувни бирлаштирган. Мазкур ҳисобга табиий ресурслардан ҳозирда ва истикболда оқилна фойдаланишни ташкил этиш, хўжалик ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини режалаштириш, экологик ўзгаришларнинг ривожланиш тенденцияларини прогнозлаштириш учун мавжуд табиий ресурсларнинг миқдори ҳамда сифати тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш сифатида қараган.

С. М. Шапигузов ва Л. З. Шнейдман экология ҳисобини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятини ҳисобга олиш тизими сифатида таърифлаган[6].

Экология ҳисобининг юқоридаги таърифларида умумий ёндашувни кузатиш мумкин. У ҳам бўлса унинг объекти сифатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолияти келтирилмоқда. Бу тўғри эмас ва мазкур ҳисобнинг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди, чунки табиатни муҳофаза қилиш корхоналарнинг функциясига кирмайди. Шу боисдан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолияти тушунчасини ўрнига экологик фаолият тушунчасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ундан ташқари, экология ҳисоби тушунчаси бухгалтерия ҳисобини меъёрий ҳужжатларда акс эттирилган ва объектларни хусусиятини ҳисобга олган таърифи асосланади.

Экология ҳисобига оид таърифларни тадқиқ этиш муаллифлик таърифини тақдим этишга имкон беради. Унга кўра *экология ҳисоби - ҳисоб маълумотларига қўйилган талабларга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг экологик фаолияти ҳақида ҳужжатларга асосланган ва тизимли маълумотларни шакллантириши ҳамда улар асосида экология ҳисоботларини тайёрлаш демакдир.*

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР. Иқтисодчи олимларнинг асарларида келтирилган тавсияларнинг таҳлили қуйидаги асосий ёндашувларни аниқлаш имконини берди:

- биринчидан, экологик фаолиятга оид актив, мажбурият, даромад ва харажатларни акс эттирувчи алоҳида бухгалтерия ҳисоботларини шакллантириш;

- иккинчидан, анъанавий бухгалтерия ҳисоботида экологияга оид объектларни акс эттирадиган моддаларни ажратиш;

- учинчидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятига оид харажатларнинг бухгалтерия ҳисоботларининг алоҳида моддаларида жамлаш.

Олимларнинг фикрига кўра, ушбу ёндашувларнинг ҳар бири бухгалтерия амалиётида қўлланилиши мумкин, аммо турли маълумотлардан фойдаланувчилар гуруҳлари эҳтиёжларини қондиришда мувозанатни таъминлаш учун ягона ёндашувни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан, қуйидаги жиҳатлар бўйича стандартлаштиришни амалга ошириш лозим:

- экология ҳисоби объектлари;

- экологияга оид актив ва мажбуриятларни тан олиш мезонлари;

- ҳисоботларда экологияга оид актив ва мажбуриятларнинг ўзгаришига оид муҳим маълумотларнинг ошкор қилинадиган қисми.

Шундай қилиб, бир неча амалий муаммоларни ҳал қилиш учун асос яратиш мақсадида экология ҳисобининг назарий ва методологик асосларини ривожлантириш керак.

Биринчидан, экологияга оид актив, мажбурият, даромад ва харажатларни аниқлаш, идентификациялаш, ўлчаш, баҳолаш учун.

Иккинчидан, ҳисоботда экологик активлар, мажбуриятлар, харажатлар, манбалар, шартли активлар ва мажбуриятлар ҳамда ҳисобот санасидан кейинги экологик жиҳатлар билан боғлиқ жараёнлар ҳақида ишончли ва тизимли маълумотларни шакллантириш мақсадида.

Учинчидан, экологик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг корхоналар фаолияти истиқболларига таъсирининг муҳимлигини ҳисобга олувчи бошқарув ҳисоби ва ички назорат тартибларини яратиш учун.

Экология ҳисобининг асосий мақсади молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисоби эҳтиёжлари учун ишончли ахборот таъминотини шакллантириш эмас, балки бизнеснинг экологик ва иқтисодий компонентини мувофиқлаштириш, юзага келиши мумкин бўлган хавф ва қийинчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўллари аниқлашдан иборатдир.

Экология ҳисобининг вазифаси экологик омилларни баҳолаш ва бухгалтерия ҳисоботларини тузиш учун маълумотларни тўплаш ва қайд этишдир. Ушбу маълумотлардан фойдаланувчилар ташқи (инвесторлар, солиқ органлари, давлат органлари ва бошқалар) ва ички (мулк эгалари ва бошқалар) фойдаланувчиларга бўлинади. Молиявий ҳисобда эса булар асосан ташқи фойдаланувчилар (солиқ органлари, кредит муассасалари, мол етказиб берувчилар, харидорлар, инвесторлар ва бошқалар), бошқарув ҳисобида эса улар одатда ички истеъмолчилар (корхонанинг бошқарув ходимлари ва бошқалар) ҳисобланади.

Экология ҳисобининг предмети хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик фаолиятининг бир қисми ҳисобланадиган ҳамда экологияга оид қонун ва қоидаларга риоя қилиш, шунингдек атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтириш ва бартараф этиш, табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитга етказиладиган салбий таъсир оқибатларини камайтириш, иқлим ўзгаришининг олдини олиш бўйича кўнгилли чора-тадбирлар кўришдан иборат бўлган экологик фаолиятдир.

Экология ҳисобининг методларига қуйидагилар киради:

– бухгалтерия ҳисоби методлари: ҳужжатлаштириш, инвентаризация, баҳолаш ва калькуляциялаш, счетлар ва иккиёқлама ёзув, ҳисобот;

- статистик ҳисоб методлари: экологияга оид бирламчи статистик экологик маълумотларни йиғиш, назорат қилиш, таҳрир қилиш, умумлаштириш ва гуруҳлаш;

- экологик ва параметрик методлар: кимёвий ва физик тажрибалар натижалари (газохроматографик, масс-спектрометрик, реакцион-газо-хроматографик, концентрация массасини ўлчаш, вольтамперометрик, хемилюминесцент ва бошқалар), ҳисоб-китоб методлари, моделлаштириш методлари.

Экология ҳисобида статистик ва оператив ҳисобдаги каби натурал, қиймат ва нисбий ўлчовлардан фойдаланилади.

Экология ҳисобининг алоҳида хусусиятларини изоҳлаш мақсадида қуйидаги қоидалар тақдим этилади. Унинг меъёрий-ҳуқуқий базаси бир қатор ҳужжатларни ўз ичига қамраб олади. Хусусан:

1. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи ҳужжатлар.

2. Солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

3. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар.

4. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ички ҳужжатлари: ҳисоб сиёсати, ички экологик назорат тизими, экологик чора-тадбирлар режаси, корхона стандартлари, расмий техник ва эксплуатацион регламентлар ва бошқалар.

Экология ҳисобининг ички субъектлари таркиби корхона ташкилий тузилмасининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ ва уларга қуйидагилар кириши мумкин:

- бухгалтерия бўлими;

- корxonанинг табиатни муҳофаза қилиш бўлими, экология бўлими, экологик маркази ва бошқалар;

- зарарли газлар чиқишини назорат қилувчи лабораториялар ва эко-аналитик марказлар, тозалаш иншоотлари лабораториялари, сув тозалаш станциялари ва бошқалар.

Экология ҳисобининг ташқи субъектларига шартнома асосида жалб қилинган ташкилотлар ҳам кириши мумкин. Бу давлат экологик назорат ва таҳлил

ихтисослашган инспекцияси шунингдек санитария-эпидемиология хизматлари билан келишилган ҳолда фаолият юритадиган мобил лабораториялар; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экспертизадан ўтказиш таҳлилий марказлари, экологик аудит компаниялари ва расмий статистик маълумотларни шакллантирадиган давлат органлари бўлиши мумкин.

Экологияга оид ахборотлардан фойдаланувчиларни қуйидаги икки гуруҳга бирлаштириш керак:

- ички фойдаланувчилар: экология бўлими, бухгалтерия бўлими, ташкилий-технологик характердаги бошқарув ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи экология мутахассислари, хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари, ходимлар, касаба уюшмалари ва бошқалар;

- ташқи фойдаланувчилар: республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, инвесторлар, жамоатчилик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва бошқалар.

Экология ҳисоботини шакллантириш корхоналар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Экология ҳисоботи барча шаклларининг асосий камчиликларидан бири экологик кўрсаткичларнинг ягона тизимини мавжуд эмаслигидир.

Экология ҳисоботи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бухгалтерия ҳисоботи: баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ҳамда уларга иловалар;

- статистик ҳисобот.

- солиқ ҳисоботи.

- ва бошқа экологияга таллуқли ҳисоботлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Экология ҳисоботи:

- корхонанинг умумий харажатлари таркибида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари учун маблағлар ажратиш, уларни ҳисобга олишга мўлжалланган сўрашлардан фойдаланган ҳолда алоҳида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш;

- корхона томонидан етказилган иқтисодий зарар даражасини аниқлаш;

- корхонанинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти устидан назорат ўрнатиш;

- экологияга оид маълумотлар асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Экология ҳисобининг ишончлилиги даражаси молиявий ва солиқ ҳисобига ўхшаб юқори даражада сифатли тузилган ва ҳужжатли тасдиқланган бўлиши керак. Экология ҳисоби молиявий ва солиқ ҳисоби каби тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб борилиши шарт, қонунни бузганлик учун эса муайян жавобгарлик белгиланган.

Корхоналарда экология ҳисобини жорий этиш экологик жиҳатдан самарали ишлашга ёрдам беради, атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтиради, рентабелликни оширади, корхоналарнинг мавқеини оширади, инвестицияларни жалб қилади,

кредитлар беришни кўпайтиради, объектларни хусусийлаштириш пайтида экологик масалаларни ўз вақтида ҳал қилади ва барқарор ривожланишни яхшилайти. Экологик назорат кўрсаткичларини алоҳида молиявий ҳисоботларга киритилиши ишлаб чиқарувчининг маълумотлар базаси банкини яратишга ёрдам беради ва ундан атроф-муҳитга бевосита ва билвосита таъсирларни аниқлаш, изоҳлаш ҳамда баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, экология ҳисоби тизими корхонадаги табиатни муҳофаза қилиш фаолияти, шунингдек, унинг атроф-муҳитга таъсирининг турли шакллари тўғрисида тўлиқ ва ҳаққоний маълумотларга эга бўлиш имконини беради. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларнинг табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлмаслик табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда муаммолар туғдиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аманжолова Б.А., Фрибус Н.В. Перспективы развития теоретико-методологических основ экологического учета. Международный бухгалтерский учет. 9(351) – 2015.
2. Ильичева Е.В. Сравнительная характеристика финансового, налогового, управленческого и экологического учета // *Фундаментальные исследования*. 2009. № 1. С. 66–67.
3. Рио-де-Жанейрская декларация ООН по окружающей среде и развитию 1992 г. URL: <http://www.un.org/ru>.
4. Саенко К.С. Учет экологических затрат. М.: Финансы и статистика, 2005. 376 с.
5. Чхутиашвили Л.В. Организация и совершенствование экологического учета на российских предприятиях // *Lex russica*. 2014. № 2. С. 185–198.
6. Шнейдман, Л.З. На пути к международным стандартам и финансовой отчетности / Л.З. Шейдман // *Бухгалтерский учет*. - 1996. - № 1.
7. Рахимова Д. Д., Шайхова Г. И. 7-17 yoshli maktab oquvchilarining jismoniy rivojlanishini baholash // журнал репродуктивного здоровья и уро-нефрологических исследований. – 2022. – т. 3. – №. 4.
8. Рахимова Д. Ж. и др. **ОБОСНОВАНИЕ ЛЕЧЕНИЯ ПНЕВМОНИИ КОРОНАВИРУСНОЙ ЭТИОЛОГИИ (COVID-19) КОМБИНАЦИЕЙ ПУЛЬС ТЕРАПИИ С ИММУНОДЕПРЕССАНТАМИ** // *Re-health journal*. – 2020. – №. 4 (8). – С. 59-64.
9. Рахимова Д. Ж. и др. Изменение состава микроэлементов у детей с хроническим расстройством питания первых двух лет жизни на фоне ОКИ // *Научный аспект*. – 2020. – Т. 2. – №. 1. – С. 252-258.

10. Рахимова Д., Аскарова Н. Гиповитаминозы у военнослужащих //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 3/S. – С. 90-99.

11. Raximova D. J., Naimova Z. S., Halimova S. A. 7 YOSHDAN 14 YOSHGACHA BO 'LGAN BOLALARDA OZIQLANISH MUAMMOLARI VA ULARNI OLDINI OLIHDA VITAMIN VA MINERALLARNING O 'RNI //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 4. – С. 380-385.

12.Раджабов З. Н. РУЗАНИНГ ГИГИЕНИК АХАМИЯТИ //JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH. – 2023. – Т. 2. – №. 16. – С. 143-146.

13.Раджабов З. Н. ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОСТИ //O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 16. – С. 735-743.

14. Ризаев Ж. А., Нурмаматова К. Ч., Тухтаров Б. Э. ОРГАНИЗАЦИЯ ЛЕЧЕБНО-ПРОФИЛАКТИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ ПРИ АЛЛЕРГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ У ДЕТЕЙ //ББК: 51.1 л0я43 С-56 А-95. – С. 113.

15.Турсунова Д., Раджабов З. ОЦЕНКА РЕПРОДУКТИВНОГО СОСТОЯНИЯ ЖЕНЩИН-РАБОТНИЦ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ //O'rta Osiyo ta'lim va innovatsiyalar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 9-11.

16.Тухтаров Б. Э., Халилов Ш. С., Тангиров А. Л. Оценка статуса фактического питания профессиональных спортсменов //Вестник науки. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 32-37.

17.Тухтаров Б. и др. Оценка статуса гидратации профессиональных спортсменов в условиях жаркого климата //InterConf. – 2020.

18.Тухтаров Б. Э. Сравнительная оценка биологической ценности среднесуточных рационов питания профессиональных спортсменов Узбекистана //Гигиена и санитария. – 2010. – №. 2. – С. 67-69.

19.Тухтаров Б. Э. Белковая обеспеченность профессиональных спортсменов, занимающихся борьбой кураш //Вопросы питания. – 2008. – Т. 77. – №. 1. – С. 46-47.

20.Тухтаров Б. Э., Абдумуминова Р. Н., Гаппарова Г. Н. ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ АГРОФАКТОРЛАРНИНГ ЭКОЛОГО-ГИГИЕНИК ЖИХАТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 80-86.

21.Тухтаров Б., Бегматов Б., Валиева М. Среднесуточные энергетические потребности организма легкоатлетов в зависимости от вида спортивной деятельности, пола и мастерства //Stomatologiya. – 2020. – Т. 1. – №. 3 (80). – С. 84-86.

22.Тухтаров Б. Э. и др. Оценка значимости биологической ценности рационов питания спортсменов тяжелой атлетики в условиях жаркого климата //Журнал" Медицина и инновации". – 2021. – №. 1. – С. 127-130.

23. Тураев Б. Т., Очилов У. У., Икромов П. Х. Частота и структура неврологических нарушений у больных подросткового возраста с психическими расстройствами //VOLGAMEDSCIENCE. – 2021. – С. 462-463.
24. Тураев Б. Т., Икромов П. Х., Жабборов Х. Х. Тревожно-депрессивные расстройства в период беременности //VOLGAMEDSCIENCE. – 2021. – С. 460-461.
25. Умирзаков З. Б., Ризаев Ж. А., Умиров С. Э. ва б. Основы обеспечения адекватной организации профилактики COVID-19/Ж. Биология ва тиббиёт муаммолари //Самарканд. – 2021. – Т. 2. – №. 127. – С. 134-140.
26. Уралов У. Б. БИОЛОГИЧЕСКИЕ РАЗНООБРАЗИЕ И ПУТИ ЕГО СОХРАНЕНИЯ //O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. – 2022. – Т. 1. – №. 11. – С. 232-236.
27. Уралов У., Баратова Р., Раджабов З. УЛУЧШЕНИЕ САНИТАРИИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ //Eurasian Journal of Academic Research. – 2023. – Т. 3. – №. 2 Part 2. – С. 176-179.
28. Халманов Н. Т., Элмуродова М. А. Влияние сидерации на плодородие сероземов, рост, развитие и урожайность хлопчатника Зерафшанской долины //Плодородие. – 2019. – №. 2 (107). – С. 33-37.
29. Abdujabbarova Z., qizi Ziyodabegim M., Karimov A. A. WAYS OF HUMAN BODY DAMAGE BY HEAVY METALS //GOLDEN BRAIN. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 63-65.
30. Abdumuminova R. N., Sh B. R., Bulyaev Z. K. On The Importance Of The Human Body, Nitrates //The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research. – 2021. – Т. 3. – №. 04. – С. 150-153.
31. Baratova R. S. The Importance Of A Healthy Lifestyle In Maintaining The Health Of The Population //Eurasian Research Bulletin. – 2023. – Т. 17. – С. 236-240.
32. Boysin K. et al. Influence of Xenobiotics on Organisms and Methods of their Detoxification //Web of Scholars: Multidimensional Research Journal. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 81-84.
33. Chorshanbiyevich X. N., Narmuratovich R. Z., Ergashovich K. I. TOGRI OVATLANISH MEYORLARI //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 11. – С. 160-163.
34. Chorshanbiyevich K. N., Eshnazarovich T. B. The State of Protein Availability of Professional Athletes Involved in Kurash Wrestling //Eurasian Research Bulletin. – 2023. – Т. 17. – С. 246-250.
35. Eshnazarovich T. B., Norbuvaevna A. R., Nurmuminovna G. G. Research of ecological and hygiene aspects of agrofactors affecting human health //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 08. – С. 7-11.
36. Eshnazarovich T. B., Usmonovna V. M., Chorshanbiyevich K. N. Some Indicators of Protein Security of Professional Athletes-Young Men Engaged in Kurash Wrestling //Eurasian Research Bulletin. – 2023. – Т. 17. – С. 241-245.

37. Gapparova G. N. Clinical and laboratory diagnosis of uricosuric nephropathy in children //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – T. 3. – №. 5. – C. 2064-2070.

38. Gapparova G., Akhmedjanova N. CLINICAL AND LABORATORY FEATURES, DIAGNOSIS AND TREATMENT OF PYELONEPHRITIS IN CHILDREN DURING THE COVID-19 PANDEMIC //Академические исследования в современной науке. – 2022. – Т. 1. – №. 17. – С. 186-187.

39. Gapparova G. N. Covid-19 Pandemiyasi Davrida Bollard Pielonefritning Kliniko-Laborator Xususiyatlari, Diagnostikasi //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 4. – С. 127-129.

40. Gapparova G., Akhmedjanova N. CLINICAL AND LABORATORY CHARACTERISTICS, DIAGNOSIS OF PYELONEPHRITIS IN CHILDREN UNDER COVID-19 PANDEMIC CONDITIONS //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 114-114.

41. Islamovna S. G., Jurakulovna R. D., Gulistan K. Current state of the problem of rationalization of schoolchildren's nutrition. – 2022.

42. Joint F. A. O. et al. Soils Newsletter, Vol. 44, No. 2, January 2022. – 2022.

43. Jurakulovna R. D. et al. EFFECTIVENESS OF STREPTOKINASE AND PROPOFOL DRUGS IN PATIENTS WITH CORONAVIRUS DELTA STRAW (EXAMPLES FROM PRACTICE). – 2021.

44. Jurakulovna R. D. Analysis Of Distribution Of Vitamins, Macro And Micro Elements Deficiency Among Children And Adolescents In Samarkand Region, According To Clinical Symptoms //Eurasian Research Bulletin. – 2023. – Т. 17. – С. 229-235.

45. Karimov A. A. ACCUMULATION OF HEAVY METALS IN PLANTS //GOLDEN BRAIN. – 2023. – Т. 1. – №. 5. – С. 148-157.

46. Khitayev B. A. et al. Hematological Indicators under the Influence of Zinc Sulfate in the Experiment //Web of Scholars: Multidimensional Research Journal. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 77-80.

47. Kholmonov N., Matluba E. Siderations Improve the Chemical Properties of Gray-Earth Soils in Uzbekistan //Eurasian Journal of Research, Development and Innovation. – 2022. – Т. 7. – С. 70-73.

48. MATLUBA E. Improvement Of Ecological Status Of Soil In Organic Agriculture //JournalNX. – Т. 6. – №. 08. – С. 66-69.

49. Mahramovna M. M., Chorshanbievich K. N., Ergashovich K. I. HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS STUDENTS HEALTHY LIFESTYLE DEVELOPMENT //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – Т. 11. – №. 2. – С. 410-413.

50. Maxramovna M. M. et al. PEDAGOGICAL ESSENCE OF DEVELOPING A CULTURE OF HEALTHY LIFESTYLE FOR YOUNG PEOPLE //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – T. 3. – №. 10. – C. 1234-1238.

51. Murodulloevna Q. L., Maxramovna M. M., Chorshambievich K. N. STUDYING THE EFFECTS OF HEAVY METALS ON HUMAN HEALTH //Conference Zone. – 2022. – C. 147-149.

52. Naimova Z. S., Kurbanova X. A., Mallaeva M. M. INFLUENCE OF XENOBIOTICS ON THE FUNCTIONAL STATUS OF THE CARDIORESPIRATORY SYSTEM IN CHILDREN AND ADOLESCENTS //Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences. – 2022. – T. 2. – №. 5. – C. 138-140.

53. Naimova Z. S. Xenobiotics as a Risk Factor for Kidney and Urinary Diseases in Children and Adolescents in Modern Conditions //Eurasian Research Bulletin. – 2023. – T. 17. – C. 215-219.

54. Naimova Z. et al. Hygienic Assessment Of Emission Influence From A Chemical Plant On Population's Household Conditions, Well-Being And Health //The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research. – 2021. – T. 3. – №. 01. – C. 76-80.

55. Norbuvaevna A. R. The importance of nitrates in food safety //Conference Zone. – 2022. – C. 148-150.

56. Narbuvayevna A. R., Murodulloyevna Q. L., Abduraxmanovna U. N. Environmentally friendly product is a Pledge of our health! //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – T. 3. – №. 02. – C. 254-258.

57. Narbuvaevna A. R., Karimovich B. Z., Mahramovna M. M. Improving Food Safety and Improving the Fundamentals of Reducing the Negative Effects on The Environment //Eurasian Research Bulletin. – 2022. – T. 5. – C. 41-46.

58. Narbuvayevna A. R. et al. Explore Ecological and Hygiene Assignment of Soil Contamination With Heavy Metals //Central Asian Journal of Medical and Natural Science. – 2022. – T. 3. – №. 3. – C. 107-111.

59. Norbuvaevna A. R., Maxramovna M. M., Karimovich B. Z. Studying the influence of agricultural factors on the quality of the fruit of Peach plants //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – T. 3. – №. 4. – C. 1353-1357.

60. Norbuvaevna A. R. et al. Ecological and hygienic application of the accumulation of toxic substances in soil and food products under the influence of agricultural factors //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – T. 11. – №. 11. – C. 836-840.

61. Normamatovich F. P., Sagatbaevich K. A., Chorshanbievich K. N. A PLACE IN THE NUTRITION OF THE POPULATION OF UZBEKISTAN FROM NATIONAL CONFECTIONERY, "NAVAT" //World Bulletin of Public Health. – 2022. – T. 10. – C. 79-80.

62. Nurmamatovich F. P., Jurakulovna R. D. The importance of the international hassp system in the production of quality and safe confectionery products //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 10. – С. 1184-1186.

63. Nurmuminovna G. G. In the post period of covid-19 diseasespecific clinical-laboratory properties and diagnosis of pyelonephritis in children //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 12. – №. 4. – С. 55-58.

64. Nurmuminovna G. G., Abdurakhmanovna U. N. CLINICAL AND LABORATORY FEATURES OF NEPHROPATHY IN CHILDREN WITH DIABETES MELLITUS //Open Access Repository. – 2023. – Т. 9. – №. 2. – С. 116-122.

65. Ra A. et al. INVESTIGATE SOIL CONTAMINATION WITH HEAVY METALS WHILE COMMUNITY HEALTH //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 1358-1363.

66. Sh B. R. et al. Environmentally Friendly Product is a Pledge of Our Health //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 9. – С. 48-50.

67. Sanayeva S. B. et al. ABOUT PESTS OF GOURDS IN THE SAMARKAND REGION //GOLDEN BRAIN. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 66-68.

68. Аскарлова Н. К., Рахимова Д. Ж. ФФЕКТИВНОСТЬ СПЕЦИФИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ МЕТАБОЛИЧЕСКИХ НАРУШЕНИЙ ОБУСЛОВЛИВАЮЩИХ СУДОРОГИ В ПЕРИОД НОВОРОЖДЕННОСТИ //Высшая школа: научные исследования. – 2020. – С. 68-71.

69. Боймуродов Х. Т. и др. ВЛИЯНИЕ АБИОТИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ НА ЛЁТ ПЧЕЛ И СБОР МЁДА В САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ //INTERNATIONAL RESEARCH FORUM-2022. – 2022. – С. 174-178.

70. Гаппарова Г. Н., Ахмеджанова Н. И. COVID-19 PANDEMIYASI DAVRIDA BOLALARDA PIELONEFRITNING KLINIK-LABORATOR XUSUSIYATI, DIAGNOSTIKASI VA DAVOLASH //ЖУРНАЛ РЕПРОДУКТИВНОГО ЗДОРОВЬЯ И УРО-НЕФРОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2022. – Т. 3. – №. 4.

71. Karimov A. A. INSON ORGANIZMINING OG'IR METALLAR BILAN ZARARLANISH YO'LLARI //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 56-61.

72. Каримов А. А., Абдумунинова Р. Н. САНИТАРНО-ГЕЛЬМИНТОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ОТКРЫТЫХ ВОДНЫХ БАССЕЙНОВ НА ТЕРРИТОРИЯХ НАСЕЛЕНИЯ ВОСТОЧНОГО ЗИРАБУЛАКА //FUNDAMENTAL SCIENCE AND TECHNOLOGY. – 2021. – С. 263-268.

73. Наймова З. С. и др. Влияние Выбросов Химического Производства На Состояние Здоровья Детей И Подростков //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 288-292.